

АҲОЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сонли қарорига асосан аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2023 йилга кўчирилиб, тайёргарлик ишларини босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди.



Аҳолини рўйхатга олиш ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар, давлатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва аҳолини бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотларни олиб бориш учун муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида аҳолини руйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилади.